

БАТАН УЧУН, МИЛЛАТ  
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



# XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil  
1-yanvardan chop  
etila boshlagan

23-iyul  
2026-yil  
29 (1 183)

21asr.uz XXIasr\_yangiliklari XXIASR XXI\_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

Мустақиллиkning  
35 йиллиги арафасида:



Президент  
Шавкат Мирзиёев  
Тошкент вилояти  
Ўрта Чирчиқ туманига  
ташриф буюриб, Тошкент – Самарқанд  
йўналишидаги пуллик муқобил автомобиль  
йўли қурилишига тамал тоши қўйди.  
Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа  
Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва  
транспорт-логистика салоҳиятини оширишда  
муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.  
– Бугун бу соҳада том маънода янги давр  
бошланмоқда, десак, тўғри бўлади. Халқимиз учун  
тараккиёт ва фаровонлик тимсоли бўлиб хизмат  
қиладиган ушбу йирик лойиҳанинг бошланиши  
барчамизга муборак бўлсин, – деди Президент.



Қиймати қарийб 2,2 миллиард доллар бўлган  
олти полосали йўлнинг умумий узунлиги  
282 километрни ташкил этади. У Тошкент,  
Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги  
аҳолиси 2 миллиондан зиёд бўлган 13 та туман  
орқали ўтиб, ҳудудлар учун янги имкониятлар  
яратади.

Тошкентдан Самарқандга етиб бориш вақти  
ҳозирги 5 соатдан 2,5 соатга қисқаради!


## МУНОСАБАТ

Банк тизими:  
ишонч синовидан ўтиш йили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудуд ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунигача устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида банк тизимига оид масалалар алоҳида кескинлик билан кўтарилди. Давлатимиз раҳбари банкларнинг халқ, тадбиркор ва маҳалла билан ишлашидаги камчиликларни очик танқид қилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари банкларнинг маҳалладаги ишдан мутлақо норози эканини очик билдирди. Шу боис Марказий банкнинг вилоятлардаги раҳбарлари ва давлат банклари филиаллари бошқарувларининг фаолиятига қатъий эътироз билдирилди. Бу баҳо тасодифий эмас. Банклар айнан фуқаро ва тадбиркор билан бевосита мулоқотда бўлади, уларнинг ишидаги сусткашлик яшин тезлигида одамлар ҳаётида сезилади.

Муаммо фақат хизмат сифати билан чекланмайди. Йиғилишда 16 та тўқимачилик корхонаси кредитни қайтариш бўйича суд жараёنлари қўзилгани сабабли деярли фаолият юритмай тургани, бунинг оқибатида 5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 400 миллион долларлик экспорт имконияти бой берилётгани қайд этилди. Шу билан бирга, айрим банклар томонидан бундай корхоналарни тиклаш бўйича ижобий тажриба ҳам мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, “Тошкент каттон” корхонасига ташқи



# ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

3

## ОРОЛБЎЙИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ОЛАМ КУЗАТИБ ТУРИБДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси  
Гулжан ХАЛМУРАТОВА билан суҳбат



– Гулжан Пиржановна, асли муҳандис-қурувчисиз, дастлаб Тошкент архитектура-қурилиш институтини тамомлаб, фаолиятингизни таълимдан бошлаган экансиз. Бино қуришда пойдевор қанчалик муҳим бўлса, жамият ва қонунчиликда ҳам пойдевор шунчалик муҳимлигини яхши биласиз.

Сизнингча, бугунги қонунчилик тизиминида қайси соҳанинг пойдеворини янада мустаҳкамлаш, қайта қуриш керак деб ҳисоблайсиз? Қурилиш лойиҳасини чизиб билан қонун ижодкорлиги, яъни жамият лойиҳасини яратиб ўртасида қандай ўхшашлик бор?

– Муҳандис-қурувчилик касби менга ҳаётдаги энг муҳим сабоқлардан бирини ўргатган: мустаҳкам иншоот, аввало, пухта пойдевордан бошланади. Бинонинг ташқи кўриниши қанчалик мухташам ва жозибали бўлмасин, агар унинг пойдевори заиф бўлса, у вақт синовига дош беролмайди. Давлат тараққиёти ҳам худди шундай: у фақатгина қуруқ иқтисодий кўрсаткичлар ёки замонавий инфратузилма билан эмас, энг аввало, адолатли қонунлар, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси билан таъминланади.

Шу боис бугунги кунда қ

# Худудларда аҳвол қандай, замондошим?!

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН “ХАЛҚ БИЛАН БИРГА” УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ҚИЛИШ, ФУҚАРОЛАРНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРГА МАНЗИЛЛИ ЕЧИМ ТОПИШ ҲАМДА ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН САЙЁР ҚАБУЛЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Бекобод шаҳрида ташкил этилган ана шундай очиқ мулоқотда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Виктор Пак, Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати Тўлқинжон Файзиев, “Ўзметкомбинат” АЖ бошқарув раиси Баҳодир Абдуллаев, Бекобод шаҳри ҳокими Насрулла Бобоев** ҳамда шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Қабулнинг асосий мақсади мурожаатларни шунчаки эшитиш билан чекланмай, масъул ташкилотлар иштирокида тезкор ва амалий ечим топиш, фуқароларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳамда камбағалликни қисқартиришга хизмат қилувчи манзилли чораларни белгилашдан иборат бўлди.





НИГОХ

# "МАРОМИЙЛИК" ҲАРАКАТИ

ёхуд энди муросаю мадорага ўрин йўқ!



МАНГУ МАВЗУ

Эсингиздами, жорий йил 1 январдан тўй ва маросимларга чеклов ва талаблар қабул қилинган эди! Ёдингиздами, тўйлар, оилавий тантаналар, маъракаю маросимларни камчиқим ўтказиш, қатнашувчилар сонини чеклаш борасида қарор ва низоимлар ишлаб чиқилганди! Унутмагандирсиз, мазкур қарорлар ижросини назорат қилиш учун еттига масъул вазирлик ва идоралар вакилларида иборат "Маромийлик" деган лойиҳа амалиётга татбиқ этилиб, шу борада кенг ташвиқот ишлари олиб борилиши, қарор талаблари бузилган ҳолатларда айбдорларга нисбатан жарима жазолари қўлланиши ҳақида кўп гапирилганди. Ҳатто Қашқадарёда кўп минг кишилиқ тўй ўтказган хонадон вакили (қизиги, тўйш ўтаётган келин) жаримага тортилгани бошланаётган эзгу ишларнинг дебосчаси сифатида тарғибот куралига айлантирилган эди-ку!..



Йилнинг ярмидан кўпроғи аллақачон ўтиб бўлди. Бўёғи ўзбекчилик дегандай, кунда-кунора тўй ва маросимлар тўхтовсиз давом этмоқда. Нигоҳ тўйлари кўни йўлларда ўнлаб бир хил рангдаги ёнгил машиналар тур-нақотар "сай

